
**Бош вазир қабулхонаси - тадбиркорлар манфаати ҳимоячиси
Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини
тадбиркорликка жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада
тадбиркорлар сафи кенгайиб, юртимиз иқтисодий тараққиётида уларнинг ўрни ва роли
тобора ортмоқда.**

Бироқ нафақат тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлаётган фуқаролар, балки тадбиркорлар ҳам фаолияти давомида турли тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ана шундан келиб чиқиб тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учраётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, тўғридан-тўғри самарали мулоқотни йўлга қўйиш, тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашнинг сифати ва тезкорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиши қабулхоналари ташкил этилганди.

Ўтган давомида ушбу қабулхоналар минглаб тадбиркорлар, чет эл инвесторлари учраётган муаммоли масалаларнинг ҳал этилишига, уларнинг мурожаатларига ижобий ечими топилишига ёрдам бермоқда. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Бош вазир қабулхоналари тадбиркорларнинг энг яқин ҳимоячиси ва кўмакчисига айланди.

Қабулхона ходим ва мутахассислари жойларга чиқиб сайёр қабуллар ўтказаётганлиги, қатор муаммоларни ана шу ернинг ўзида ҳал этилишига кўмаклашаётганлиги ҳам тадбиркорларга қўл келмоқда. Сайёр қабуллар тадбиркорларнинг муаммо ва мурожаатларини ўрганиш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, жойларда ишбилармонлик мұхитини яхшилашга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишда ҳам мұхим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган юқоридаги каби ишлар энг аввало, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлашга, ҳар бир фуқаро ўзининг даромад манбаига эга бўлишига, ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлашга, пировардida халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбиркорлар ҳузурига бориш, мурожаатларни жойида ҳал қилиш халқ билан мулоқотнинг энг самарали усуулларидан бирига айланди.

Бугун Риштон туманинда мусиқа мактабида вилоятдаги Бош вазир қабулхонаси ташабbusи билан вилоят сектор раҳбарлари иштирокида Риштон, Бағдод, Бувайдада ва Учкўкрик туманлари ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва тадбиркорлик истагида бўлган фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилди.

Мулоқотлар давомида ер участкаси ва кредит ажратиш, божхона ва солиқ тўловлари ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан тадбиркорлар ва тадбиркорлик истагида бўлган 90 нафар фуқаролардан мурожаатлар келиб тушди.

Сайёр қабулда шунингдек, Риштон тумани ҳокими, ҳоким ўринbosарлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашишди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-11-05 16:06:25